



## ЎЗБЕК ТИЛИДА “БОЗОР” СЎЗИ ИШТИРОКИДА ШАКЛЛАНГАН ЯСАМА СЎЗ, БИРИКМА ВА ИБОРАЛАР

*Ҳикматова Нигина Акмаловна*

*Бухоро давлат педагогика институти ўқитувчиси*

*hikmatovanigina@gmail.com*

**Аннотация:** Мақолада ўзбек тилида “бозор” сўзи иштирокида шаклланган ясама сўзлар, бирикма ва иборалар ҳақида фикр юритилган. Шу сўзга синоним сифатида инглиз тилидан ўзлашган сўзлар кўрсатилган. “Бозор” сўзи иштирокида шаклланган сўз ва ибораларнинг ўз ва кўчма маъноси очиб берилган.

**Калит сўзлар:** бозор, сўз, ясама сўз, сўз бирикмаси, ибора, агороним, агоропозтоним, антоним, синоним, ўзлашма сўз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “бозор” сўзининг кенг қамровли маъно-моҳиятга эга кўрсатиб берилган. Бу сўз ўнга яқин маъноларда қўлланиб келади. Жумладан, изоҳли луғатда “бозор” сўзининг аслида форс-тожикча экани, савдо растаси маъносида қўлланиши айтилган. Бу сўз тилимизда аҳоли савдо-сотик қиладиган махсус жой, майдонга нисбатан ишлатилади. Шу жойдан у-бу нарсалар олмоқ, харид қилмоқ, харж қилмоқ эса “*бозор қилмоқ*” ибораси билан юритилади. Бозор ҳамиша одамлар билан гавжум бўлганлиги учун шовқин-суронга бой бўлади. Шунинг учун кўпинча ғала-ғовур, чуғур-чуғур, шовқин-сурон, шўхлик ҳолати, тўполон кўтарилган жой бозорга ўхшатилади ва унга нисбатан “*бозор қилмоқ*” ибораси ишлатиладики, натижада у юқорида кўрсатилган ибора билан ўзаро омонимлик ҳосил қилса, “*бозор(ини) олмоқ*” ибораси билан синонимлашади.

Қизиғи шундаки, одамлар кўпинча ҳафтанинг маълум бир кунида (авваллари кўпроқ пайшанба ёки жума кунида, ҳозир эса кўпинча якшанбада) рўзғори учун савдо-сотик қилиш мақсадида бозорга боришади. Мана шу кун ҳам халқ тилида *бозор куни*, *пайшанбабозор*, *жумабозор*, *якшанбабозор* сингари бирикма ва қўшма сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Баъзан дам олиш кунига нисбатан ҳам “*бозор куни*” бирикмаси қўлланади. Бозор бўлмаган, бозорсиз кунлар *бебозор кунлари* номи билан юритилган. Халқ тилида яна бундай кун “*бегим куни*” ҳам дейилади.



Ўзбек тилида бозор сўзи иштирокида ҳосил бўлган иборалар жуда кўп. Улардан бири *олашовур бозор* бирикмаси бўлиб, у орқали бозорнинг одатда шовқин-сурон, ур-сур, тўполон билан ташкил қилиниши англатилади.

“Бозор” сўзи иштирокида ҳосил бўлган иборалардан яна бири “*бозор(и) касод*” бирикмаси бўлиб, у орқали бозорда савдоси ўлган, ўтмай туриб қолган нарса ёки мол тушунилади. “*Бозор кўтармайди*” ибораси ҳам унга яқин бўлиб, бирор нарсанинг нархи бозор нарху навосига тўғри келмаслиги, ўша нарсага ҳеч ким нархи баландлиги ёки эҳтиёж йўқлиги туфайли харидор бўлмаслиги, сотиб олмаслигини англатиш учун ишлатилади. Баъзан бу иборани кўчма маънода “бошқаларга ёқмайди” маъносида ҳам қўллайдилар.

Бозорга қайси пайт бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, одатда, бозорнинг бошланиш палласида харидорларни қизиқтириш учун нарх-наво сал арзон белгиланади. Бозор қизиганда нарх-наво кўтарилади, охир бозорда эса нарх тушади. Шунини инобатга олиб, халқ орасида бу ҳақда маълумот берувчи градуномик иборалар шаклланган. Масалан, *бозорнинг бошланиши* (бозорнинг ҳали сустлигини), *бозорнинг қизиши* унинг айни авж паллага кирганлигини, *охир бозор* эса бозорнинг тугаш, ёпилиш жараёнини англатади. Бозор вақти тамом бўлиши *бозор қайтиши* ибораси орқали ҳам ифода этилади.

Йирик шаҳарларда бозорлар узоқ давом этган. Уларнинг фаолияти эрта саҳардан тунгача давом этган. Шунга кўра нутқда уларнинг ишлаш вақтига кўра фарқланишини билдириш учун *кечки бозор*, *тунги бозор*, *тунда ишлайдиган бозор*, *бозоршаб* каби сўз ва сўз бирикмалари шаклланган.

Бозорлар тузилиши ва кўриниши жиҳатидан ҳам турличадир. Шунга кўра уларнинг *очиқ бозор*, *ёпиқ бозор*, *тим* каби турлари мавжуд.

Бирор нарсани ёки жонлиқни сотиш учун бозорга олиб кирмоқ, харидга қўймоқ “*бозорга солмоқ*” ибораси билан аталади. Лекин бу ибора “диққатни жалб қилиш учун бирор нарсани ёки ўзини-ўзи кўз-кўз қилмоқ, айлантириб, кўрсатиб юрмоқ” кўчма маъноларида ҳам ишлатилади.

Харидори кўп бўлган киши ёки мол, нарсага нисбатан “*бозори чаққон*” ибораси ишлатилади. Бу иборани кўчма маънода эҳтиёж катта, талабгорлари кўп бўлган киши ёки нарсаларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Шу иборага “*бозори ўтмади*” ибораси бозорда сотилмай қолган нарсага, кўчма маънода ўзига ёки гапига тарафдор чикмаган, ҳийла-найранги ўтмаган кишига нисбатан қўлланиши билан антонимлик ҳосил қила олади.

*Бозорчи* касб номларидан бири бўлиб, бозорда ўтириб савдо-сотик билан шуғулланувчи, бозор-ўчарни яхши биладиган шахсга нисбатан



профессионализм сифатида қўлланадиган сўздир. Ўтмишда сотувчи, савдогар кишилар *бозоргон* ёки *бозиргон*, *бозори* деб ҳам юритилган.

Бозорчи сўзи кўчма маънода савдо-сотик эҳтиёжи билан бозорга келган киши, бозорда кўп юрувчи одамларга нисбатан ҳам ишлатилади. Шу билан бирга “бозорчи” сўзи жанжалкаш, бакироқ, урушқоқ аёллар учун сифатловчи сифатида “*бозорчи хотин*” бирикмаси таркибида учрайди.

*Бозорчилик* сўзи кўп маъноли бўлиб, ҳам соҳа номини атайди, ҳам бозорга хос муомалалар, қоидалар, расм-русмларни англатиб келади.

Ўзбек тилида бозор сўзи иштирокида ясалган сўзларни икки турга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Бозор сўзи иштирокида аффиксация усулида (сўз ясовчи қўшимчаларнинг қўшилиши натижасида) ясалган содда ясама сўзлар: *бозор+чи*, *бозор+чилик*, *бозор+бон*, *бозор+гир*, *бозор+и*, *бозор+лик*, *бозор+ламоқ*, *бозор+лашмоқ* каби.

*Бозорбон* сўзи бозор суядиган, харидор ёқтирадиган мол дегани бўлиб, бозорда олинадиган, харидори бор маъносини англатувчи *бозоргир* сўзи билан синонимлик ҳосил қилади.

Атай бозорда сотиш учун мўлжаллаб тайёрланган; бозорбон ёки бозордан келтирилган нарсаларга нисбатан “*бозори*” сифати ишлатилади. Масалан, бозор нон(и) ёки бозори кулча деганда, нон ёки кулчанинг сотиш учун тайёрланадиган махсус нави англашилади. Шунингдек, *бозори атлас*, *бозори сомса* кабилар ҳам шулар жумласидандир. *Бозорлик* сўзи *бозори* сўзи билан маънодош бўлиб, кўпинча бозордан савдо-сотик қилиб, қайтишда олиб келинган совға тушунчасини билдириш учун хизмат қилади.

Бозор сўзи асосида ҳосил қилинган *бозорламоқ* феъли бозор қилмоқ, бозорга бориб келмоқ, бозорни айланмоқ маъноларида қўлланади. *Бозорлашмоқ* феъли эса кўпроқ бозорга бориб айланиб, томоша ёки савдо-сотик қилиб келмоқ маъносида ишлатилади.

2. Бозор сўзи иштирокида композиция (сўзнинг сўзга қўшилишидан) ясалган қўшма сўзлар ҳам мавжуд: *бозорга солмоқ*, *бозорбоши* каби.

Бозор сўзи иштирокида жуфт сўзлар ҳам пайдо бўлган. Бунга бозор, савдо-сотик ва улар билан боғлиқ бўлган икир-чикирларни ифодаловчи *бозор-ўчар* сўзини мисол қилиш мумкин.

Бозор сўзи такрор қўлланганда болалар ўйинининг номини англатиб келади: *бозор-бозор* ўйнамоқ каби.



Қадимдан бозорлар бошқарувини ҳукмдорлар ўз назоратида сақлаган. Бозорлар қатъий тузилишга эга бўлган. Йирик шаҳарларда бозорлар суткалик фаолият юритган. Уларнинг муайян иш тартиби бўлган. Ҳар бир бозорнинг бозорбошиси, “шаҳна”си, яъни кўриқчиси ва соқчиси, посбонларининг бошлиғи, қоровули бўлган. Бундай бозор идорачилари бозорбонлар деб юритилган.

Лекин *бозор оқсоқолига* нисбатан қўлланадиган *бозорбоши* сўзи омонимлик касб этган. У бозор раҳбари тушунчасидан ташқари бозор ҳудудининг асосий, бош қисми, майдонига нисбатан ҳам ишлатилган. Ҳозирда бозор кўмитаси ва унинг раҳбари, бошлиғи; бозор бошқарувчиси маъносида *бозорқўм ёки бозорком* сўзини қўллаш оммалашган.

Бозорларда солиқ ундирувчи амалдорлар, бозор аминлари тайинланган. Бозор аминлари сотилган мол ва буюмлар учун оладиган солиқ тури “аминона” деб аталган.

“Бозор” сўзи иқтисодий атама сифатида савдо-сотик, сотувчи билан харидор ўртасидаги товар айирбошлаш муносабатларини ифодаловчи атама сифатида ҳам қўлланади. Чунки жаҳон иқтисодиётида “*жаҳон бозори*”, “*дунё бозори*”, “*ташқи бозор*”, “*ички бозор*”, “*бозор қоидаси*”, “*бозор хўжалиги*”, “*бозор иштирокчилари*”, “*бозор муносабатлари*”, “*бозор товари*”, “*бозор баҳоси*”, “*бозор хизмати*”, “*бозор хизмат турлари*”, “*бозор ислоҳотлари*”, “*бозор иқтисодиёти*”, “*бозор рақобати*”, “*бозор мувозанати*”, “*бозор талаби*”, “*биржа бозорлари*”, “*фонд бозори*”, “*валюта бозори*” сингари қатор атамалар учрайди.

Юртимиз аҳолисининг ўзаро ва мамлакатлараро бозор муносабатларининг доимий ривожини ўзбек тили луғат таркибида унга алоқадор жуда кўп янги сўз ва терминлар, ибораларни юзага келтирди. Натижада бозор сўзининг маъноси ҳам ўзгариб, кенгайиб, унга алоқадор айрим сўз ва бирикмалар эскириб ё йўқолиб, янгиланиб борди. Масалан, ҳозирда тилимизда бозор сўзига синоним сифатида инглиз тили орқали ўзлашган “*маркет*”, “*мини маркет*”, “*гипермаркет*”, “*мега маркет*” сингари қатор тушунчалар қўлланиб келмоқда.

Маълумки, бозор қаерда жойлашгани, қачон бўлиши, нима сотилиши нуқтаи назаридан ҳам турлича номланади. Масалан:

- а) ўрнига кўра: *Ўрда бозори, Урганч бозори, Шаҳристон бозори ...*
- б) вақтига кўра: *Жума бозори, Пайшанба бозори, Якшанба бозори...*



в) нима билан савдо қилишига кўра: *қул бозори, мардикор бозори, мол бозори...*

г) нарсаларни етиштирувчиларнинг касб-корига қараб: *деҳқон бозори...*

г) сотиладиган нарсаларнинг номига кўра: *гуруч бозори, нон бозори, гўшт бозори, ширинликлар бозори, атлас-шойи бозори, тилло бозор, кийим бозори, қолин бозор, тўн бозори, дўппи бозори, ковуш бозори, пичоқ ва қин бозори каби ва ҳ.к.*

Ўтмишда сотиладиган нарсаларнинг номига кўра бозорнинг *қул бозори, желак бозори, қалпоқ бозори, мурсак бозори сингари* турлари ҳозирги пайтда фаолият юритмай қолган.

Ўзбек тилида бозорлар (Самарқанд “Сиёб” бозори, Бухоро “Шаҳристон” бозори, “Карвон бозор”) ва майдонлар номи (“Мустақиллик майдони”) “агоронимлар” деб юритилса, бу номларнинг бадий матнда реал ёки рамзий-тимсолий маъноларда қўлланиши “агоропозетоним” саналади. Жумладан, бозор сўзи шеърятда “*ишқ бозори*”, “*умр бозори*” кўринишида кўчма маънода қўлланиб, тақдир ва қисмат маъноларини англантиб келиши кузатилади. Бунда у **агоропозетоним** сифатида намоён бўлади.

Бозор сўзи ўлим, ажал, гап, лоф сўзлари билан бирикиб келганда (*ўлим бозори, ажал бозори, гап бозори, лоф бозори, сафсата бозори* каби) кўчма маънода бирор ҳаракат ёки фаолиятнинг ҳаддан ошишини, авжига чиқишини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилида “бозор” сўзи иштирокида шаклланган ясама сўз, сўз бирикма ва иборалар ўзига хос алоҳида тизимни ташкил қилади. Уларни ўрганиш асосида ўзбек тилининг лексик бойлигини, ички бойиш имкониятларини тўла тасаввур қилиш имконияти кенгайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1-жилд. А-Д. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.299-300.
2. [www.http](http://www.http) Краткий словарь терминов и понятий литературной ономастики (позетонимологии).
3. Соловьев А.Н. Агоронимы мегаполисов России: названия площадей как ономастическая категория // Филология и культура. – С.95-95.
4. Рашидова М. Ўзбек тилидаги лақабларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2008.
5. Тўхлиев Н. Осиё ва бозор. – Т., 1992.
6. Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах, 1992. – 53 б.



7. Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. – Самарқанд, 1997. – 202 б.
8. Ҳусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. – Тошкент: Наврўз, 2014.
9. Saidova Mukhayyo Umedilloevna and Abdurakhmonova Makhfuza Olimovna 2023. Effective strategies to teaching writing. *Texas Journal of Philology, Culture and History* . 17, (Apr. 2023), 17–20.\
10. Abdurakhmonova Makhfuza Olimovna 2023. The Importance of writing in English Language Classes. *Global Scientific Review*. 11, (Jan. 2023), 20–23.
11. Umedilloevna, S.M. and Olimovna, A.M. 2023. DIFFICULTIES IN TEACHING WRITING AND THEIR POSSIBLE SOLUTIONS. *Integration Conference on Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes*. (May 2023), 321–324.
12. Abduxakimova Maxfuza Abduraxmonova 2023. ACTIVITY OF DEVELOPMENT CENTERS IN THE EDUCATIONAL ACTIVITY OF PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS. *Academia Science Repository*. 4, 04 (Apr. 2023), 770–775.
13. Tolibovna, Saidova Zakira. "INGLIZ TILI DARSLARIDA INNOVATSION JARAYONLARNI TASHKIL QILISH." *PEDAGOGS jurnali* 1.1 (2023): 736-736.
14. Tolibovna, Saidova Zakira. "Taxis Category and Sphere of Temporary Influence." *AMERICAN JOURNAL OF SCIENCE AND LEARNING FOR DEVELOPMENT* 1.2 (2022): 137-138.
15. Saidova , . Z. ., & Zakiryayeva, M. (2023). SIMILARITIES AND DISSIMILARITIES IN TERMS OF WORDS FORMATION IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES. *Modern Science and Research*, 2(4), 31–35. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/18829>
16. Saidova, Z. ., & Khusenova, R. . (2023). THE DISSIMILARITIES OF WORD FORMATION IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES. *Modern Science and Research*, 2(4), 28–30. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/18828>
17. Saidova, Z. T. "TAXIS AS A CONCEPTUAL AND FUNCTIONAL-SEMANTIC CATEGORY." *Экономика и социум* 2-1 (93) (2022): 105-108.
18. Tolibovna, Saidova Zakira. "INGILIZ TILINI O'QITISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH." *Conferencea* (2023): 87-91.
19. 7. Tolibovna, Saidova Zokira. "TAXIS AS A CONCEPTUAL AND FUNCTIONAL-SEMANTIC CATEGORY." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)* 8.8 (2021).



20. Tolibovna, Saidova Zakira. "Dependent and independent taxis." *Integration Conference on Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes*. 2022.
21. Khodjaeva, Dilafruz Izatilloevna, and Zokira Tolibovna Saidova. "Interaction between Categories of Taxis and Temporality." *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION* 2.3 (2022): 110-113.
22. Dilshod , S. T. og'li, & Xayrulloeva , S. L. (2023). "ANALYSES OF THE HEROES" IN THE NOVEL "ORLANDO" BY VIRGINIA WOOLF. *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS "*, 2(2), 15–22. Retrieved from <https://academicsresearch.ru/index.php/ispctosp/article/view/1228>
23. Khayrulloeva Sitora Lutfulloyevna. (2023). TEACHING GRAMMAR IN CONTEXT. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 12(05), 66–68*. Retrieved from <http://gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/1761>
24. S.L.Xayrulloeva. (2023). THE THEMATIC ANALYSIS OF JOHN GREEN'S THE FAULT IN OUR STARS. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7529744>
25. Arivovna K. N. Similarities in addressing the complex nature of love and devotion in metamorphosis by Kafka and in ghazals of Mir Alisher Navoiy //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – T. 8. – №. 9 S3. – С. 1542-1545.
26. Arivovna K. N. Parallelism in transformation motives of Strange Case of Dr. Jekyll and Mr. Hyde by Stevenson and The Metamorphosis by Kafka //International Journal on Integrated Education. – 2019. – T. 2. – №. 6. – С. 23-27.
27. Kadirova N. A. ANALYSIS OF TRANSFORMATION MOTIFS IN THE MAGIC HAT BOOK BY KHUDOYBERDI TUKHTABOYEV, THROUGH THE PRISM OF MIKHAIL BAKHTINS THEORIES //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – С. 405-408.
28. Qudratova, S., & Akramova, F. (2023). MANIFESTATION OF THE CONCEPT OF "SPIRITUAL UPBRINGING" IN THE MODERN LIFE OF THE WEST. *Talqin Va Tadqiqotlar*, 1(18). извлечено от <http://talqinvatadqiqotlar.uz/index.php/tvt/article/view/28>
29. Qudratova Sitora Olimovna. (2022). INTERPRETATION OF SPIRITUALITY IN CLASSICAL LITERATURE. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(1), 17–22. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/SEHM4>
30. Qudratova Sitora Olimovna. (2023). SARAH ORN E JEWET, M.E WILKINS FREEMAN THE AMERICAN STORY WRITERS OF XX CENTURY. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact Factor:*



- 7.429, 12(05), 89–91. Retrieved from <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/1767>
31. Shaxnoza, S. . (2023). The Concept of “Dream” in the English and Uzbek Worldwide. *Miasto Przyszłości*, 33, 190–192. Retrieved from <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/121>
32. Shakhnoza S. THE ROLE OF GAMIFICATION IN TEACHING ENGLISH //PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION. – 2023. – Т. 1. – №. 14. – С. 72-77.
33. Shakhnoza S. THE USE OF MOVIES IN LANGUAGE TEACHING //PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION. – 2023. – Т. 1. – №. 14. – С. 78-83.
34. Darmon Saidakhmedovna Uraeva, & Nigina Akmalovna Khikmatova. (2021). DERIVATIVES OF WORDS, WORD COMBINATIONS AND PHRASES WITH THE WORD "MARKET" IN THE UZBEK LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(01), 26-31. <https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue01-a5>
35. TEACHING LANGUAGES TO YOUNG LEARNERS I.Z. NARZIYEVA, S FAYZIYEVA, E-Conference Globe, 2021
36. MODERN METHODS OF TEACHING ENGLISH LANGUAGE SCIENCE IN JUNIOR CLASSES A.A.AKHMEDOVA, E-Conference Globe, 2021
37. MODELS OF TRANSLATION PROCESS AND THEIR TEACHING TO STUDENTS A.A.Akhmedova, *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 2022 – 1
38. MODELS OF TRANSLATION PROCESS AND THEIR TEACHING TO STUDENTS A.A.Akhmedova, *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 2022 - 1
39. Use of modern innovative technologies in teaching foreign language
40. A.Z.Azimovna, A.A.Abdulloevna, *Вестник науки и образования*, 2020
41. MODERN METHODS OF TEACHING ENGLISH LANGUAGE SCIENCE IN JUNIOR CLASSES A.A.AKHMEDOVA, E-Conference Globe, 2021
42. IMPROVEMENT OF EDUCATIONAL PROCESS AND INTRODUCTION OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES N.I.Zoirovna, MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS, 2021
43. USING BRAINSTORMING IN A FOREIGN LANGUAGE TEACHING
44. I.Z.Narziyeva, INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" SCIENTIFIC ADVANCES AND INNOVATIVE ...,
45. Mehriniso Musinovna Rakhmatova, & Dilnoza Ilkhomovna Inoyatova. (2022). CONCEPTUAL AND FIGURATIVE STRUCTURE OF THE CONCEPT OF “UGLINESS”. *Open Access Repository*, 8(04), 58–61. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/6FTJ3>
46. Rakhmatova, M. M., & Inoyatova, D. I. (2022). CONCEPTUAL AND FIGURATIVE STRUCTURE OF THE CONCEPT OF" UGLINESS". *Open Access Repository*, 8 (04), 58–61.





47. Ilxomovna, I. D. (2022, January). O'zbek tilida shaxs tasvirida xunuklik konseptining lisoniy xususiyatlari. In *Integration Conference on Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes* (pp. 305-307).
48. Raximov, M. (2023). СЕМАНТИЧЕСКИЕ ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ КОНЦЕПТА «ДОРОГА». *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 41(41). Извлечено от [https://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/10835](https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/10835)
49. Raximov, M. (2023). THE SYSTEM OF BIOLOGICAL STATIVE VERBS MEANINGS OF UZBEK LANGUAGE. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 31(31). Извлечено от [https://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/9225](https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/9225)
50. Muradovich, R. M. (2021). The Image of a Woman in The Work of Uzbek Writers. *Eurasian Research Bulletin*, 3, 7-12.
51. Rakhimov, Muzaffar M. "Methods in Cognitive Linguistics." *International Journal on Integrated Education*, vol. 3, no. 2, 2020, pp. 34-36, doi:10.31149/ijie.v3i2.8.
52. 48.R.Z. Gafurovna, DETECTIVE GENRE AND ITS PECULIARITIES. *International Engineering Journal For Research & Development*, 2021, [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=ifolPZsAAAAAJ&citation\\_for\\_view=ifolPZsAAAAAJ:u-x6o8ySG0sC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=ifolPZsAAAAAJ&citation_for_view=ifolPZsAAAAAJ:u-x6o8ySG0sC)
53. 49. Z.Ro'zimurodova, Description of youth problem in the novel " Martin Eden". *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 2021, pp. 206-210. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=ifolPZsAAAAAJ&citation\\_for\\_view=ifolPZsAAAAAJ:d1gkVwhDpl0C](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=ifolPZsAAAAAJ&citation_for_view=ifolPZsAAAAAJ:d1gkVwhDpl0C)
54. Ruzimurodova Zarifa Gafurovna. Translation Theory: Object of Research and Methods of Analysis. *Journal of Impact Factor: International Journal of Progressive Sciences and Technologies*. ISSN:2509-0119, Volume 24 No. 2 January 2021, pp. 35-40. <https://ijpsat.ijsh-t-journals.org/index.php/ijpsat/article/view/2626>
55. Rakhimov Muzaffar Muradovich. The Image of a Woman in The Work of Uzbek Writers. *Eurasian Research Bulletin*, ISSN: 2795-7365, Volume 3|December, 2021, pp. 7-12, *Eurasian Research Bulletin (geniusjournals.org)*
56. Mekhriniso Musinovna Rakhmatova, & Nilufar Furkatovna Botirova. (2022). NEW APPROACHES IN LATINO AMERICAN POETRY: CHICANO POETRY. *Open Access Repository*, 8(04), 92–94. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/9FVCD>
57. Musinovna , R. M. ., & G'ayratovna, G. N. . (2023). DEVELOPING CULTURE, LANGUAGE AND LITERATURE THROUGH INTERNATIONAL LITERATURE. *Integration Conference on Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching*



- Processes, 82–84. Retrieved from <https://www.conferenceseries.info/index.php/online/article/view/970>
58. . Baxronova Matluba Axmedovna. (2022). BADIY ASARLARGA KO'CHGAN HAYOT SABOQLARI. *Conferencea*, 401–404. Retrieved from <https://conferencea.org/index.php/conferences/article/view/640>
59. Bakhronova , M. A., & Sayfullayeva , M. (2022). DICTATION AS LANGUAGE LEARNING TOOL . *Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования*, 2(17), 252–258. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/zdpp/article/view/1812>
60. Uraeva Darmon Saidakhmedovna, and Bakhronova Matluba Akhmedovna. "THE USAGE OF DISEASE NAMES IN LITERATURE AND THEIR DERIVATION". *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429*, vol. 12, no. 06, June 2023, pp. 21-24, <http://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/1799>.
61. Akhmedovna, Bakhronova M. "Life Lessons and Literary Works." *International Journal on Integrated Education*, vol. 5, no. 6, 2022, pp. 213-217.
62. The Image of Disease in Edgar Allan Poe's "The Masque of the Red Death"
63. BM Akhmedovna, B Shakhnoza - Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT, 2022
64. Bakhronova, M. A. (2020). Representation of disease names in the literature. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 06 (86), 141-144.